

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

**ИСАЕВА Дилноза Замировна**

*Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон*

*туманлараро судининг*

*судьяси*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12818421>

## ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИККА УЧРАГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА УЛАРНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАН ФАРЗАНДЛАРИГА ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

### АННОТАЦИЯ

Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Мақоламизда айнан шу ҳақида ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** қарор ижроси, тазйиқ, зўравонлик, хотин-қизлар, вояга етмаган фарзандлар, ижтимоий хизмат, чора-тадбирлар, навбатчилик қисми, мурожаат, рўйхатга олиш, суиқасд, қасд, марказий шифохона, тиббий ёрдам, маъмурий регламент, реабилитация қилиш, бошпана, ахборот тизими, маслаҳат, ахборот, профилактика инспектори, диспетчерлик хизмати, ишонч телефони, ногиронлиги бўлган шахслар, мутахассис, агентлик, баҳолаш.

## СОЦИАЛЬНЫЕ УСЛУГИ ЖЕНЩИНАМ, ПОДВЕРГШИМСЯ РЕПРЕССИЯМ И ЖЕСТОКОМУ ОБРАЩЕНИЮ, И ИХ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИМ ДЕТЯМ СИСТЕМА ОТОБРАЖЕНИЯ ИНФОРМАЦИИ СОВЕРШЕНСТВУЕТСЯ

### АННОТАЦИЯ

Честь и достоинство человека неприкосновенны. Ничто не может быть основанием для их умаления.

Никто не может быть подвергнут пыткам, насилию, другому жестокому, бесчеловечному или унижающему достоинство человека обращению либо наказанию. Это именно то, на что мы попытались пролить свет в нашей статье.

**Ключевые слова:** исполнение решения, преследование, насилие, женщины, несовершеннолетние дети, социальная служба, меры, дежурная часть, обращение, перечень дел, покушение, умысел, больничный центр, медицинская помощь, административный регламент, реабилитация, приют, информационная система, консультация, новости, инспектор по профилактике, диспетчерская служба, телефон доверия, лица с инвалидностью, специалист, агент, оценка.

## SOCIAL SERVICES TO REPRESSED AND ABUSED WOMEN AND THEIR UNDERAGE CHILDREN THE DISPLAY SYSTEM IS BEING IMPROVED

### ANNOTATION

Human honor and dignity are inviolable. Nothing may be the basis for their derogation.

No one shall be subjected to torture, violence, or other cruel, inhuman, or degrading treatment or punishment. This is exactly what we tried to shed light on in our article.

**Key words:** execution of a decision, harassment, violence, women, minor children, social service, measures, duty station, appeal, list of cases, attempt, intent, hospital center, medical care, administrative regulations, rehabilitation, shelter, information system, consultation, news, prevention inspector, dispatch service, helpline, persons with a disability, specialist, agent, assessment.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида белгиланишича, инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас [1].

Барчамизга маълумки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 майдаги ПҚ-175-сонли «Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши билан зўравонликдан азият чеккан шахсларга кўрсатиладиган ижтимоий хизмат сифати такомиллаштирилиб, хотин-қизларнинг ҳуқуқларининг кафолатлари янада кучайтирилди.

Мазкур Қарорда 2024 йил 1 июндан бошлаб «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари томонидан тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки жабрланиш хавфи остида бўлган хотин-қизларга ҳимоя ордери талаб этмаган ҳолда ижтимоий, психологик ва юридик хизматлар кўрсатиш тартиби жорий этиш;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолати ички ишлар органлари навбатчилик қисмининг «102» телефон рақамларига келиб тушган мурожаатлар асосида ички ишлар органлари ходимлари томонидан рўйхатга олинishi;

тазйиқ ва зўравонлик ҳолати ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан 24 соат ичида хотин-қизлар фаоли ва маҳалладаги профилактика инспектори иштирокида тазйиқ ва зўравонликни содир этган шахс билан суҳбат ўтказиши, профилактика инспектори томонидан ҳимоя ордери расмийлаштирилиши, тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари марказий туман (шаҳар) шифоналарининг шошилинич қабул бўлимларига жойлаштирилиши, расмийлаштирилган ҳимоя ордерлари ва жабрланган шахсларга доир маълумотлар «Инсон» марказларига реал вақт режимида «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими орқали юборилиши белгиланган.

Тазйиқдан жабрланган шахсларга руҳий инқироз ҳолатида бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида 2024 йил 1 июндан бошлаб Жиззах, Навоий ва Хоразм вилоятларида, 2024 йил 1 октябрдан бошлаб республиканинг қолган барча ҳудудларида шошилинич қабул бўлимларида туну кун ишлайдиган бирламчи кўмак хоналари ташкил этилиши кўрсатилган.

Шошилинич қабул бўлимларининг бирламчи кўмак хоналарида: жисмоний ва рухий ҳолатини яхшилаш учун тазйик ва зўравонликка учраган, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизлар ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандлари уч суткадан кўп бўлмаган муддатга жойлаштирилиши;

- шошилинич биринчи ёрдам, шу жумладан рухий, психотерапевтик ёрдам кўрсатилиши, шунингдек, юкумли касалликлар мавжудлиги тўғрисида таҳлиллар ўтказилиши;

- тазйик ва зўравонликка учраган хотин-қизларга реабилитация хизматларини кўрсатиш йўналишида: аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказларида вақтинчалик бошпана (шелтер)лар фаолияти йўлга қўйилиши;

- ҳудудий марказларга қарашли 14 та намунали туманлараро марказнинг мавжуд штат бирликлари ҳамда моддий-техника базаси тўлиқлигича ҳудудий марказларга ўтказилган ҳолда тугатилиши;

- шошилинич қабул бўлимларининг бирламчи кўмак хоналарида ёрдам олган шахслар мазкур бўлим шифокорининг хулосаси ва ҳимоя ордери асосида ижтимоий хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ ариза талаб этмаган ҳолда ҳудудий марказларга жойлаштирилиши;

- тазйик ва зўравонликдан жабр кўрган шахсларнинг ижтимоийлашув даражаси ижтимоий ходим, хотин-қизлар фаоли ҳамда профилактика инспектори томонидан олти ой давомида мониторинг қилиниши;

- тазйик ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахслар билан ишлаш йўналишида: зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш ишларига мажбурий равишда Миллий гвардиянинг инспектор-психологлари ҳам жалб қилиниши;

2024 йил 1 октябрдан бошлаб ҳимоя ордери берилган ҳар бир ҳолатда тазйик ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастури «Инсон» марказлари билан келишилган ҳолда тасдиқланиши;

2025 йил 1 январдан бошлаб, ички ишлар органлари томонидан тазйик ўтказган ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг реестри юритилиши;

2024 йил 1 декабрдан бошлаб бир календарь йил давомида икки ва ундан ортиқ марта тазйик ва зўравонлик ҳолати бўйича мурожаат қилинганда ички ишлар органлари томонидан ҳимоя ордери ташаббус тартибида берилиши тартиби ўрнатилиши ва бошқа чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланган [2].

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2024 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 354-сонли "Тазйик ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизматларни кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Унда хотин-қизларга нисбатан тазйик ва зўравонлик ҳолати ички ишлар органлари навбатчилик қисмининг «102» телефон рақамларига келиб тушган мурожаатлар асосида ички ишлар органлари ходимлари томонидан рўйхатга олинishi;

Тазйик ва зўравонликка учраган, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари (кейинги ўринларда -хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари) дастлаб туман (шаҳар) марказий шифохоналарининг шошилинич қабул бўлимларининг бирламчи кўмак хонасига (кейинги ўринларда -бирламчи кўмак хонаси) жойлаштирилиши ҳамда уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиши;

2024 йил 1 июндан бошлаб туман (шаҳар) марказий шифохоналари шошилич қабул бўлимида бирламчи кўмак хонаси Жиззах, Навоий ва Хоразм вилоятларида, 2024 йил 1 октябрдан бошлаб республиканинг қолган барча ҳудудларида ташкил этилиши белгиланди.

"Тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг маъмурий регламенти" 1-иловага мувофиқ тасдиқланиб, унда хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказларига (кейинги ўринларда -ҳудудий марказлар) жойлаштириш ва вақтинча бошпана (шелтер) билан таъминлаш ҳамда улардан чиқариш;

- хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари тўғрисидаги маълумотларни «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида шакллантириш ва юритиш;

- хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда -«Инсон» марказлари) ҳамда ҳудудий марказлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва уларнинг мониторингини юритиш;

- «112» ягона диспетчерлик хизмати ҳамда 1146 қисқа рақамли «ишонч телефони»га тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича мурожаатлар келиб тушганда, мутахассислар томонидан хотин-қизларга ижтимоий, психологик, ҳуқуқий ҳамда бошқа масалаларда маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этиш каби хизматлар кўрсатилиши, бунда хотин-қизларга шошилич рухий, психотерапевтик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда тазйиқ ёки зўравонлик содир этган шахсларга чора кўриш зарур бўлган ҳолларда, мазкур қўнғироқлар ички ишлар органлари навбатчилик қисмининг «102» телефон рақамларига йўналтирилиши;

- патронаж ҳамшираси томонидан хонадонларга ташриф буюриш жараёнида кузатилган хотин-қизларга тазйиқ ёки зўравонлик ҳолати юзасидан зудлик билан мажбурий равишда ички ишлар органлари хабардор қилиниши;

- тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларга мазкур қарор талаблари асосида ижтимоий хизматлар кўрсатилиши учун Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази масъул ҳисобланиши;

- ҳудудий марказлар томонидан ишлаб чиқилган яқка тартибдаги ижтимоий реабилитация дастури давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ўз ваколатлари доирасида бажарилиши мажбурий ҳисобланиши белгиланди.

Мазкур Қарорга 1-илова бўлган "Тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг маъмурий регламенти"нинг 1-бобида белгиланишича, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахслар, бошқа жисмоний ҳамда юридик шахслар томонидан тазйиқ ва зўравонлик ҳолати тўғрисида қуйидаги шаклларда мурожаат қилинади:

- «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда -«Инсон» марказлари) ёки ижтимоий ходимга;

- ички ишлар органлари навбатчилик қисмининг «102» телефон рақамларига ёки бевосита профилактика инспекторларига;

- «112» ягона диспетчерлик хизмати ҳамда 1146 қисқа рақамли «ишонч телефони» га.

Тазйиқ ва зўравонлик ҳолати «102» қисқа рақамига ҳамда профилактика инспекторларига келиб тушган мурожаатлар асосида ички ишлар органлари томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизматлар «Инсон» марказлари, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари (кейинги ўринларда - ҳудудий марказлар) томонидан кўрсатилади.

Хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнига нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат ижтимоий буюртмаси орқали жалб этилиши мумкин.

Зарур ҳолларда хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига, шу жумладан тил (нутқ) ёки сенсор функциялари бузилган ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнига тор доирадаги мутахассислар жалб этилади.

«Инсон» марказлари хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига кундузги қатнов шаклида қисқа ҳамда узоқ муддатли ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатади.

Мазкур турдаги хизматларни кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда -Агентлик) томонидан белгиланади.

Худудий марказлар томонидан яқка тартибдаги ижтимоий реабилитация дастурига мувофиқ 6 ой муддатгача вақтинчалик бошпана (шелтер), ижтимоий реабилитация, ҳуқуқий, психологик ва мазкур Регламентга мувофиқ бошқа турдаги хизматлар кўрсатилади.

Шунингдек, Маъмурий регламентда «Инсон» марказлари томонидан тазйиқ ва зўравонлик тўғрисидаги мурожаатларни қабул қилиш, шахснинг ҳолатини баҳолаш ва хизматлар кўрсатиш, тазйиқ ва зўравонлик тўғрисидаги мурожаатларни қабул қилиш ва шахснинг ҳолатини баҳолаш, хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини бирламчи кўмак хонасига жойлаштириш, худудий марказларга хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини жойлаштириш ҳамда реабилитация хизматларини кўрсатиш, хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини худудий марказлардан чиқариш тартиби, «Инсон» марказлари ва худудий марказлар хизматларидан фойдаланган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг мониторингини юритиш тартиби белгиланган.

Маъмурий регламентнинг яқунловчи қоидаларида хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг сифати учун худудий марказлар директорлари шахсан жавоб бериши, «Инсон» марказлари ва худудий марказлар ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган шахсга доир маълумотларнинг сир сақланиши, «Инсон» марказлари, худудий марказлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ушбу Регламент талабларига риоя этилиши устидан назоратни Агентлик ҳузуридаги Ижтимоий инспекция амалга ошириши, хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари «Инсон» марказлари ҳамда худудий марказлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкинлиги белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 354-сонли "Тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизматларни кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 майдаги ПҚ-175-сонли «Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда [3].

**REFERENCES. ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 майдаги ПҚ-175-сонли «Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 354-сонли "Тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизматларни кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.